

## Ҳайвонни бичиш ва куйдириш дурустми?

18:56 / 24.04.2016 4247

**Савол:** Баъзилар ҳайвонни бичишади ёки белги қўйиш учун куйдиришади, қулоғини қирқишади. Бу ишлар шаръан дурустми?

**Жавоб:** “Раддул муҳтор” да келади: “Ҳайвонларни, ҳатто мушукни ҳам бичса бўлади. Аммо одамзотни бичиш ҳаромдир. Ҳайвонларда мубоҳлиги манфаат сабабидандир. Бу манфаат уни семиртириш ёки тишлашдан ман қилишда кўринади. Одамни бичишда гуноҳдан бошқа нарса йўқ. Ҳайвонларни куйдириш ёки қиз гўдакларнинг қулоғини тешишнинг ҳеч боки йўқдир. Чунки Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларида ҳеч бир қаршиликсиз шундай қилишарди.”

Агар куйдириш унга азоб бериш учун бўлса, ҳаромдир. Юзига белги қўйилган эшакнинг олдидан ўта туриб Расулуллоҳ (с.а.в.): “Унга белги қўйганни Аллоҳ лаънатласин”, дедилар. Аммо ажратиш ва таниб олиш учун бўлса, жоиздир. Қуртубий айтадилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳайвонни олов билан азоблашдан истисно қилиб бунга рухсат бердилар. Муслимда Анас (р.а.)дан шундай ривоят бор: “Расулуллоҳ (с.а.в.) қўлларида белги қўйгич бор эди. У билан садақа, ғанимат ва бошқа сабаблар билан келган туяларга белги қўярдилар.” Шунда ҳамма мол фарқлаб олинар, ундаги ҳаққи адо этилар ва бошқа томонга ўтиб кетмасди. Белгини юзга қўйиш у шарафли бўлгани учун, жоиз эмас. Чунки у ҳусн ва чирой ўрнидир. Валлоҳу аълам.

Мубашшир АҲМАД,

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти мударриси